



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 2/2 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 2/2

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 2/2



ТОШКЕНТ-2026

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№2/2 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-2/2>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)  
**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)  
**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)  
**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)  
**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

<b>1. Мухамедов Хайдарали Мелиевич</b> ЎРТА АСРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚҚА ТАЪСИРИ: ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	5
<b>2. Мирзаев Файзулла Ибодуллаевич</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	14
<b>3. Авлиякулова Матлуба Авазовна</b> КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	22
<b>4. Baratov Mirodiljon Xomudjonovich, Akramxodjayev Bori Toxtaxodjayevich</b> TURISTIK MAHSULOTNING XUSUSIYATLARI VA BU SOHADAGI RAQOBATBARDOSHLIK.....	29
<b>5. Ergasheva Shohista O'ktam qizi</b> KRIPTOVALYUTALARNING TRANSFER JARARAYONIDA QO'LLANILADIGAN HUQUQ MASALASI.....	39
<b>6. Абжалов Абдижаббор Махаммадиевич</b> ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	46
<b>7. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич</b> ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЧЕГАРАЛАРИ.....	54
<b>8. Matkarimov Qudrat Qalandarovich</b> ISHKI ISHLAR ORGANLARIDA QONUNLAR IJROSI USTIDAN PROKUROR NAZORATINING O'ZIGA HOS HUSUSIYATLARI.....	62
<b>9. A'zamov Akbarxon Izzatbek o'g'li</b> QASDDAN TO'LOVGA QOBILİYATSIZLIKKA OLIB KELISHNING JINOIY-HUQUQIY JINATLARI, O'XSHASH JINOYATLARDAN FARQLI TOMONLARI HAMDA XORIJIY TAJRIBA.....	70
<b>10. Хамидов Нурмухаммад Ориф угли</b> ТОРГОВЛЯ ЛЮДЬМИ КАК ФОРМА ТРАНСНАЦИОНАЛЬНОЙ ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТИ: ПОНЯТИЕ, СОЦИАЛЬНАЯ ОПАСНОСТЬ И УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ.....	77
<b>11. Kurbanov Ma'rufjon Mamadaminovich</b> SUN'IY INTELLEKTDAN JINOIY MAQSADDA FOYDALANISHNING JINOYAT-HUQUQIY TAVSIFI, IJTIMOIY-HUQUQIY MONIYATI.....	85
<b>12. Насруллаев Фирдавс Сухробович</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКСТРАДИЦИЯ ЖАРАЁНИДА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎРНИ ВА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	92




**12.00.03-ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО. ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО. СЕМЕЙНОЕ ПРАВО. МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО**

**Авлиякулова Матлуба Авазовна,**  
 Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси  
 мустақил изланувчиси  
 E-mail: [yuristxonim1@gmail.com](mailto:yuristxonim1@gmail.com)

**КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ  
 БИЛАН БОҒЛИҚ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
 МАСАЛАЛАРИ**

**For citation:** Avliyakulova Matluba Avazovna. ISSUES OF IMPROVING NATIONAL LEGISLATION RELATED TO THE LEGAL REGULATION OF CORPORATE LEGAL RELATIONS. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 2/2.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18839270>

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада хорижий давлатлар қонунчилиги ва назариячи олимларининг фикр мулоҳазалари таҳлили асосида корпоратив ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича амалдаги Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорига таклифлар берилган, илмий баҳс-мунозаралар юритилган. Жумладан, “корпорация”, “корпоратив ҳуқуқий муносабатлар” тушунчасига таъриф берилган, корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг таркибини, яъни объекти, субъекти ва мазмунини ёритишга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** корпорация, корпоратив ҳуқуқий муносабат, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар объекти, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар субъекти ва корпоратив ҳуқуқий муносабатлар мазмуни.

**Авлиякулова Матлуба Авазовна,**  
 Самостоятельный соискатель  
 Академия правосудии Республики Узбекистан  
 E-mail: [yuristxonim1@gmail.com](mailto:yuristxonim1@gmail.com)

**ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА,  
 КАСАЮЩЕГОСЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ КОРПОРАТИВНЫХ  
 ПРАВОВЫХ ОТНОШЕНИЙ**

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье, на основе анализа законодательства зарубежных стран и мнений ученых-теоретиков, предлагается усовершенствовать национальное законодательство, касающееся

правового регулирования корпоративных правовых отношений, до действующего Гражданского кодекса и Постановления Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан «О некоторых вопросах разрешения корпоративных споров экономическими судами», а также проводится научное обсуждение. В частности, определены понятия «корпорация», «корпоративные правовые отношения», и предпринята попытка уточнить структуру корпоративных правовых отношений, то есть их предмет, субъект и содержание.

**Ключевые слова:** корпорация, корпоративно-правовые отношения, предмет корпоративно-правовых отношений, субъект корпоративно-правовых отношений и содержание корпоративно-правовых отношений.

**Avliyakulova Matluba Avazovna,**  
Independent Researcher of Academy of Justice  
of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: juristxonim1@gmail.com

## ISSUES OF IMPROVING NATIONAL LEGISLATION RELATED TO THE LEGAL REGULATION OF CORPORATE LEGAL RELATIONS

### ANNOTATION

This article, based on the analysis of the legislation of foreign countries and the opinions of theoretical scientists, proposes to improve the national legislation related to the legal regulation of corporate legal relations, to the current Civil Code and the Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan "On Certain Issues of Resolving Corporate Disputes by Economic Courts", and conducts scientific discussions. In particular, the concepts of "corporation", "corporate legal relations" are defined, and an attempt is made to clarify the structure of corporate legal relations, that is, the object, subject and content.

**Keywords:** corporation, corporate legal relationship, object of corporate legal relationship, subject of corporate legal relationship and content of corporate legal relationship.

Ўзбекистоннинг ҳуқуқ тизимида янги ҳуқуқий институт сифатида яқинда кириб келган корпоратив ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга зарурат мавжуд. Амалдаги қонун ҳужжатларида корпоратив ҳуқуққа оид нормалар кам. Бу ҳолат ушбу ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатларини ёритишда, шу жумладан, корпоратив ҳуқуқ субъектлари фаолияти билан боғлиқ муносабатларни аниқлашда турли қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Ўз навбатида, корпоратив ҳуқуқни амалда қўллаш борасида судлар фаолиятида ҳам муайян хатоликлар, камчиликлар, муаммолар юзага келмоқда.

Суд амалиётидан кўринишича, тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг вужудга келишига таъсисчиларнинг умумий йиғилиш ваколатига кирадиган масалаларни бундай йиғилишни чақирмасдан ҳал этиш ёки у ҳақда барча таъсисчиларни хабардор қилмаслик, йиғилиш кун тартибини ўзгартириш ёхуд унинг баённомасини сохталаштириш каби ноқонуний ҳолатлар ҳам сабаб бўлмоқда. Амалдаги қонун ҳужжатларида ушбу ҳолатларни батафсил тартибга соладиган ҳуқуқий механизм етарлича ишлаб чиқилмаганлиги боис юридик шахсларни бошқарув органлари фаолияти билан боғлиқ ва бошқа хил мулкий тусда бўлмаган, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда ҳуқуқни қўлловчилар қийинчиликларга дуч келишмоқда. Айниқса, судлар томонидан корпоратив ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишга оид амалиётнинг етарлича шаклланмаганлиги қонунларни қўллашда турли хил ёндашувларга сабаб бўлмоқда.

“Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар” феноменини ўрганиш корпорация тушунчасини аниқлашдан бошланиши керак. Лекин Ўзбекистонда “корпорация” тушунчасига ҳуқуқий жиҳатдан таъриф берилмаган. Қолаверса, Ўзбекистон қонунчилигида корпорация тушунчаси, унинг ҳуқуқий мақоми, турлари каби масалалар ёритиб берилмаган. Қонун ҳужжатларида

“корпорация” тушунчасининг ўрнига кўпчилик ҳолларда тадбиркорлик субъекти, корхона, тижорат ташкилоти ва бошқа шу каби вариантлари ишлатилади.

Одатда корпорация деганда, йирик корхона ёки тижорий бирлашма тушунилади. Албатта ушбу сўз ва тушунча Европада пайдо бўлган ва у мулкрий улушларни киритиш ва ундан фойдаланиш орқали умумий мақсадларга эришиш учун хусусий шахслар томонидан ихтиёрий (битимлар асосида) ташкил этилган уюшмани англатади [1].

Сўзма-сўз таржима қилинганда иккита ёки ундан кўп шахсларнинг исталган мулкрий бирлашмаси корпорация деб номланишини таъкидлаш мумкин. Ушбу конструкция куйидаги асосий хусусиятларга эга:

- хусусий шахсларнинг (жисмоний ва юридик шахсларнинг) бирлашмаси эканлиги;
- бирлашувда ихтиёрийлик тамойилининг мавжудлиги;
- умумий мақсадларнинг муштараклиги (фойда олиш ёки нотижорий мақсадлар)
- мулкрий улушнинг мавжуд бўлиши.

Аmmo ҳар қандай корпорация ҳам юридик шахс сифатида қаралмаслигига эътибор бериш лозим. Капитал бирлашмаси сифатида корпорация юридик шахсни ташкил этган ҳолда ёки бундай юридик шахсни ташкил этмасдан ҳам таъсис этилиши мумкин.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 65<sup>1</sup>-моддасида берилган ҳуқуқий таърифга кўра, корпорациялар (корпоратив юридик шахслар) таъсисчилари (иштирокчилари) уларда иштирок этиш (аъзолик) ҳуқуқига эга бўлган ва ўзларининг олий органини (корпорация иштирокчиларининг умумий йиғилиши) ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслардир. Бундан ташқари, корпоратив ташкилотда иштирок этиш ҳуқуқи иштирокчиларининг улар ташкил этган юридик шахсга нисбатан корпоратив (аъзолик) ҳуқуқлари ва мажбуриятларини келтириб чиқаради [2].

Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар айнан корпорация фаолиятида келиб чиқишини инобатга олсак, Россия Федерацияси қонунчилиги мазмунидан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимизга аввалом бор “корпорация” тушунчасини киритиш ва шундан сўнг “корпоратив ҳуқуқий муносабатлар” тушунчасига таъриф берилиши ҳамда ушбу муносабатларнинг таркиби аниқ ёритилиши мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, ушбу аниқликлар мамлакатимизда корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ривожланишига сабаб бўлиши билан бир қаторда, бундай муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал этиш тартибининг такомиллашувига ва иқтисодий судларда иш ҳажмининг муайян даражада камайишига олиб келган бўларди.

Корпорациянинг ўзига хос ҳуқуқий белгилари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биринчидан, корпорация деганда, асосан фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ташкилот тушунилади.

Иккинчидан, корпорация юридик шахс мақомига эга бўлиши керак.

Учинчидан, ташкилот корпорация ҳисобланиши учун у икки ёки ундан ортиқ шахслар (таъсисчилар) томонидан ташкил этилган бўлиши керак.

Тўртинчидан, юридик шахсларнинг бирлашмалари республикамизнинг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, нотижорат ташкилотлар бўлганлиги сабабли корпорация ҳисобланмайди.

Бешинчидан, ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва бошқарувни амалга ошириш тартиби ва усуллари мос келганлиги учун айрим тоифадаги нотижорат ташкилотлари ҳам корпорация ҳисобланади [3].

Юқоридаги Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 65<sup>1</sup>-моддасида корпорацияга берилган ҳуқуқий таърифдан ва тадқиқотчи олим М.Н.Саидов томонидан берилган корпорация белгиларидан келиб чиқиб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 40-моддасидаги “тижоратчи ташкилот” атамасини “корпорация” атамасига алмаштириш ҳамда мазкур моддани куйидаги тахрирда баён қилишни таклиф қиламиз:

Юридик шахс асосий мақсади фойда олиш бўлган ташкилот (корпорация) ёки асосий мақсади фойда олиш бўлмаган ташкилот (нотижорат ташкилоти) бўлиши мумкин.

Корпорация бўлган юридик шахс умумий шериклик, чекланган шериклик, ишлаб чиқариш ёки қишлоқ хўжалиги кооперативи, акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамияти ёки қонунда назарда тутилган бошқа ҳар қандай ҳуқуқий шакл сифатида ташкил этилиши мумкин.

Нотижорат ташкилоти бўлган юридик шахс жамоат бирлашмаси, жамоат фонди, муассаса, истеъмол кооперативи ёки қонунда назарда тутилган бошқа ҳар қандай ҳуқуқий шакл сифатида ташкил этилиши мумкин.

Нотижорат ташкилоти ўзининг устав мақсадлари доирасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Юридик шахслар қонунга мувофиқ корпорацияларга бирлашиши мумкин. Корпорациялар таъсис ҳужжатлари асосида фаолият юритади.

Фикримизча, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар айнан тижоратчи ташкилотлар, яъни корпорациялар фаолиятида вужудга келади. Шу сабабли ҳам биз айнан қонунчилигимиздаги “тижоратчи ташкилот” атамаси ўрнига “корпорация” атамасини қўллашни лозим топдик.

Энди корпоратив ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалаларидан яна бири корпоратив ҳуқуқий муносабатларга таъриф берамиз ва унинг таркиби ҳақида сўз юритамиз.

Рус олимлари В.К.Андреев ва В.А.Лаптев таъкидлаганидек, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар корпоратив бошқарув органлари, умуман жамият ва корпоратив бошқарув бўйича индивидуал иштирокчилар ўртасида юзага келадиган муносабатларнинг бутун мажмуасини ўз ичига олади [4].

В.Ф.Попондопулонинг фикрича, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар - бу корпоратив ташкилотларда ёки уларни бошқаришда иштирок этиш муносабати билан вужудга келадиган тенглик ва иштирокчиларнинг мулкӣ мустақиллигига асосланган мулкӣ (мажбурият) муносабатлардир [5].

Д.В.Ломакиннинг таъкидлашича, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар - бу унинг иштирокчилари (аъзолари)нинг корпорация фаолиятида мулкӣ ва номулкӣ иштирок этиш муносабатларидир [6].

Рус олими Е.С.Сухановнинг фикрича, корпоратив ҳуқуқий муносабат деганда, корпорация иштирокчиларининг (аъзолари, акциядорлари ва бошқалар) ўзаро муносабатлари ҳамда корпорация ва корпорация иштирокчиси (аъзолари, акциядорлари ва бошқалар) ўртасидаги муносабатлар тушунилади [7].

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 2-моддасига кўра, корпоратив муносабатлар корпоратив ташкилотларда иштирок этиш ёки бошқариш билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олади [8].

Фуқаролик ҳуқуқий муносабат деганда эса айнан юридик жиҳатдан тенг бўлган шахслар ўртасида бўладиган ва фуқаролик ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатга айтилади. Шахслар (фуқаролар ва ташкилотлар, шунингдек давлат) ўртасида тузиладиган олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, бирор-бир ишни бажариш, ижара, қарз тўғрисидаги шартномалар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар жумласига киради [9, Б.116].

Юқорида таъкидланганидек, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар турли-туман ва кенг қамровлидир. Шу сабабли, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар муайян асослар ва меъзонларга кўра турларга бўлиб ўрганилади. Бундай таснифлаш фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида муҳим ўрин тутди. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни турларга бўлишда ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиш асоси, ҳуқуқий муносабат субъектлари ваколатлари доираси, моддий ва номоддий неъматларнинг фуқаролик муомаласидаги ҳолати асосий меъзон сифатида белгиланади. Масалан, ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиш асосига кўра фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар – мулкӣ характердаги ва мулкӣ характерда бўлмаган шахсий ҳуқуқий муносабатларга, ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ваколатлари доирасига кўра - мутлақ ва нисбий ҳуқуқий муносабатлар, моддий ва номоддий неъматларнинг фуқаролик муомаласидаги ҳолатига кўра – мулкӣ ҳуқуқий ва мажбурият ҳуқуқий муносабатларга бўлинади [9, Б.122].

Фикримизча, корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, улар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури сифатида ўрганилсада, бироқ фуқаролик ҳуқуқий муносабат, деганда юридик жиҳатдан тенг бўлган шахслар ўртасида бўладиган ва фуқаролик ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тушунилса, корпоратив ҳуқуқий муносабатларда юридик жиҳатдан тенг бўлган шахслар (иштирокчи – иштирокчи, акциядор – акциядор) билан бир қаторда юридик жиҳатдан тенг бўлмаган шахслар (акциядор – акциядорлик жамияти, иштирокчи – масъулияти чекланган жамияти, иштирокчи – хўжалик жамияти) ўртасидаги (ташкилий ҳуқуқий муносабатлар) муносабатлар ҳам мавжуд бўлади.

Корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа ҳуқуқий муносабатлардан фарқли жиҳати айнан муносабат иштирокчилари ва муносабатнинг ҳам вертикал, ҳам горизонтал турлари мавжудлигида, бундан улар айнан корпорация фаолияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексидagi норма фикримизни тасдиқлайди. Яъни корпоратив ҳуқуқий муносабатлар айнан корпоратив ташкилотлар (корпорациялар)да вужудга келишини кўришимиз мумкин. Чунки корпоратив ҳуқуқий муносабатлар атамасидаги корпоратив сўзи айнан корпорация сўзидан келиб чиққан. Корпоратив ҳуқуқ фанидаги корпоратив сўзи ҳам шундан келиб чиққан.

Юқоридагиларга асосан, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 2-моддасининг биринчи қисмини қуйидагича таҳрир қилиш таклиф қилинади:

“Фуқаролик қонунчилиги фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиш асосларини ва уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, корпоратив ҳуқуқий муносабатларни, шартномавий ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкӣ ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солади”.

Шунингдек амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 2-моддасига янги қисм киритиб, уни қуйидагича таҳрир қилиш таклиф қилинади:

Корпоратив ҳуқуқий муносабат деганда, корпорация иштирокчиларининг (аъзолари, акциядорлари ва бошқалар) ўзаро муносабатлари (мулкӣ ва номулкӣ муносабатлар) ҳамда корпорация ва корпорация иштирокчиси (аъзолари, акциядорлари ва бошқалар) ўртасидаги муносабатлар (ташкилий муносабатлар) йиғиндисидан иборат.

Чунончи, фуқаролик ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи шахслар бир-бирларига нисбатан тенг ҳуқуқли шахслар ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб фикримизча, корпоратив ҳуқуқий муносабатни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ичига киритиш ноўриндир, корпоратив ҳуқуқий муносабат алоҳида муносабат ҳисобланади. Шунга асосан амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 2-моддасига янги қисм киритиб, корпоратив ҳуқуқий муносабатларга таъриф беришни лозим топдик.

Чунки корпоратив ҳуқуқий муносабатлар тарафларнинг тенглиги принципига асосланган мулкӣ ва номулкӣ характердаги муносабатлардан ташқари корпорацияни тузиш, унинг фаолиятини бошқариш, қайта ташкил этиш, тугатиш каби ташкилий масалаларни ўз ичига олган ташкилий характердаги муносабатлардан ҳам иборат бўлади.

Корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари деганда, айнан республикамиздаги корпорация белгиларига тўғри келадиган юридик шахсларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича турлари ҳисобланган акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамияти, тўлиқ ширкат, коммандит ширкатлар ва уларнинг иштирокчилари (таъсисчилари), акциядорлари, бошқарув органлари, шунингдек корпорация билан ўзаро алоқада бўлган учинчи шахслар ўртасидаги муносабат тушунилади.

Корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг объекти - бу корпоратив ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва бурчлари қаратилган мулкӣ, номулкӣ ҳамда ташкилий муносабатларидан иборат. Масалан, фойда олиш, улушни кўпайтириш, иштирокчини иштирокчилар сафидан чиқариш, юридик шахсни қайта ташкил этиш ва ҳ.клар.

Корпорациянинг мулки, мулкый ҳуқуқи, акциялари, дивидентлари, юридик шахс органларининг қарорлари ва ҳ.клар эса корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг предмети ҳисобланади.

Корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни деганда, бундай муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунамиз. Масалан, корпоратив ҳуқуқий муносабат субъектларидан бири ҳисобланган масъулияти чекланган жамият иштирокчилари жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш, жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш, фойдани тақсимлашда иштирок этиш, жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни ва жамиятнинг уставида назарда тутилган тартибда мазкур жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш, исталган вақтда жамиятдан чиқиш, жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш каби ҳуқуқларга эга [10].

Тўғри, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг бир туридир. Корпоратив ҳуқуқий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан ажратишдан мақсад, корпоратив ҳуқуқий муносабатларда фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан фарқли ўлароқ, унда ташкилий муносабатлар, яъни иерархик муносабатлар ҳам мавжуд бўлади. Шунингдек улар субъектлари жиҳатидан ҳам бир-бири билан фарқланади. Бундай фикрга келишимизга сабаб - корпоратив ҳуқуқий муносабатлар одатда корпорация иштирокчиларининг (аъзолари, акциядорлари ва бошқалар) ўзаро муносабатлари (мулкый ва номулкий муносабатлар) ҳамда корпорация ва корпорация иштирокчиси (аъзолари, акциядорлари ва бошқалар) ўртасидаги муносабатлар (ташкилий муносабатлар) йиғиндисидан иборат бўлади. Яъни ушбу муносабатлар тарафларнинг тенглиги принципига асосланган мулкый ва номулкий характердаги муносабатлардан ташқари корпорацияни тузиш, унинг фаолиятини бошқариш, қайта ташкил этиш, тугатиш каби ташкилий масалаларни ўз ичига олган ташкилий характердаги муносабатлардан ҳам иборат бўлади. Шундан келиб чиқиб, айнан корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг ташкилий жиҳатларида юридик шахсларнинг бошқарув органлари ҳам, учинчи шахс ҳисобланган субъектлар ҳам қатнашади.

Шу билан бир қаторда, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига берилган тақлифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2014 йил 20 июндаги 262-сонли Қарорининг 1-бандини ҳам қуйидагича таҳрирлашни тақлиф қиламиз:

Судлар тижорат ташкилоти (корпорация) иштирокчиларининг (аъзолари, акциядорлари ва бошқалар) ўзаро муносабатлари (мулкый ва номулкий муносабатлар) ҳамда корпорация ва корпорация иштирокчиси (аъзолари, акциядорлари ва бошқалар) ўртасидаги муносабатлар (ташкилий муносабатлар)дан келиб чиқадиган корпоратив низоларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида»ги, «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларини қўллашлари лозим.

Чунки иқтисодий судга тааллуқли бўлган корпоратив низолар айнан корпоратив ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 262-сонли Қарорининг 1-бандига ўзгартириш киритиш тақлифини бердик.

Хулоса қиладиган бўлсак, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддасига корпоратив ҳуқуқий муносабатларни киритиш зарурати юзага келди. Сабаби бу

Ўзгаришлар корпоратив ҳуқуқнинг ривожланиши ҳамда корпорацияларда вужудга келадиган корпоратив ҳуқуқий муносабатларни бошқа ҳуқуқий муносабатлардан фарқлай олишга ёрдам беради ҳамда қонунчиликда корпоратив ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси, унинг субъектлари ва ушбу субъектларнинг турлари, унинг объекти ҳамда мазмуни каби тушунчаларнинг кенг тарзда ёритиб берилиши орқали корпоратив ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ миллий қонунчилигимиз такомиллашади. Чунки иқтисодий суд амалиётида бошқа низолардан корпоратив низоларни ажратишда корпоратив ҳуқуқий муносабатлар нима эканлигини билиш жуда муҳимдир. Сабаби корпоратив ҳуқуқнинг предмети ҳисобланган корпоратив ҳуқуқий муносабатлар натижасида корпоратив низолар вужудга келади.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2014 йил 20 июндаги 262-сонли Қарорининг 1-бандига таклифлар бериш айнан корпоратив низоларнинг судловга тааллуқлилиқ масаласидаги айрим муаммоли масалаларни ҳам ҳал қилишга ёрдам берган бўлар эди.

### Иктибослар/Сноски/References:

1. Е.А. Суханов, Сравнительное корпоративное право. – М.: Статут, 2014. стр. 16. (E.A.Sukhanov, Comparative corporate law. – М.: Statut, 2014. p. 16).
2. Гражданский кодекс Российской Федерации (часть первая): Федер. закон от 30 ноября 1994 г. № 51-ФЗ // Справ.-правовая система «Консультант Плюс». (Civil Code of the Russian Federation (part one): federal law of November 30, 1994 No. 51-FZ // Reference and legal system "Consultant Plus".) URL: [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_5142/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_5142/).
3. М.Н. Саидов. Корпоратив низолар: тушунчаси, турлари ва уларни судда кўришнинг ўзига хос жиҳатлари. Амалий қўлланма. Тошкент 2019. 11-20-бетлар. (M.N. Saidov. Corporate disputes: concept, types and specific aspects of their consideration in court. Practical manual. Tashkent 2019. pp. 11-20).
4. <https://vestnik-muiv.ru/upload/iblock/482/4825af5e51cba50dac653b5a10c34b3f.pdf>
5. В.Ф. Попондопуло. Корпоративное право: понятие и природа // Юрист. -2014. -№20. стр. 5-13. (V.F. Popondopulo. Corporate law: concept and nature // Jurist. - 2014. - №20. pp. 5-13).
6. Д.В. Ломакин. Корпоративные правоотношения: общая теория и практика ее применения в хозяйственных обществах. -М., 2008. стр. 87. (D.V. Lomakin. Corporate legal relations: general theory and practice of its application in business entities. - М., 2008. p. 87).
7. Е.А. Суханов. Московский государственный университет имени М.В. Ломоносова Гражданское право В 4-х томах Общая часть Учебник Том I 3-е издание, переработанное и дополненное. -М., 2006. стр. 38. (E.A. Sukhanov. Lomonosov Moscow State University Civil Law In 4 volumes General Part Textbook Volume I 3rd edition, revised and supplemented. -М., 2006. p. 38)
8. Гражданский кодекс Российской Федерации (часть первая): Федер. закон от 30 ноября 1994 г. № 51-ФЗ // Справ.-правовая система «Консультант Плюс». (Civil Code of the Russian Federation (part one): federal law of November 30, 1994 No. 51-FZ // Reference and legal system "Consultant Plus".) URL: [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_5142/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_5142/).
9. И.Б. Зокиров. Фукаролик ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент 2009. 116-122-бетлар. (I.B. Zokirov. Civil law. Textbook. Tashkent 2009. p. 116-122).
10. Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги 2001 йил 6 декабрдаги Қонунининг 8-моддаси. (Article 8 of the Law of the Republic of Uzbekistan “On Limited Liability Companies” dated December 6, 2001).

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

### JOURNAL OF LAW RESEARCH

#### Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

#### Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

#### Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.